Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 7-yanvar № 4 (3041) shanba

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллигига



Бахром АБДУРАХИМОВ олган сурат

Билимли, жасур ва матонатли

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

Шокир ШАРОПОВ,
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро шаҳар автомобил мактаби бошлиғи

Мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осойишта ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлмиш Миллий Армиямиз сафларида мактабимиз битирувчилари ҳам хизмат қилаётганлиги бизга юксак фахр бағишлайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори масъулиятимизни янада оширди.

Мактабимиз ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида Республика «Ватанпарвар» ташкилотининг намунали жамоаларидан саналади. Амалий машғулотлар базамиз ўн гектарни ташкил этади. Бу, ўз навбатида, ҳайдовчилар тайёрлаш жараёнининг юқори савияда ташкил этилиши, соҳанинг замонавий услуб ҳамда ёндашувларини мужассам этишни таъминлайди. Бўлажак аскарлар, айниқса, информатика асосларини пухта ўзлаштиришмоқда.

200 нафар курсантга мўлжалланган ётоқхона мавжуд. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума кунлари дарсдан кейин доимий равишда спорт тадбирлари ўтказилади. Ҳарбий спорт мусобақалари курсантларни жисмоний чиниқтиришда қўл келмоқда.

Мактабимиз жамоаси бундан кейин ҳам мамлакат Қуролли Кучлари сафига баркамол мутахассис кадрлар етказиб бериш ва давлатимизнинг муносиб ҳимоячиларини давр талаблари асосида тайёрлашда куч-ғайратини аямайди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Қамаши туман кенгашида Республика Қуролли Кучларининг 20 йиллиги байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

— Туман кенгашида 21 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, аъзолар сони 2015 нафарни ташкил этади, — деди кенгаш раиси Рашид Наврўзиев. — Қуролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оммасини, хусусан, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, оммавий касбдаги техник мутахассис ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш асосий вазифамиздир.

Хусусан, картинг, мотоспорт ва пневматик милтиқдан ўқ отиш тўгаракларида 40 нафар ўқувчи мунтазам шуғулланмоқда. Бундан ташқари, ҳайдовчилик курсларида таҳсил олаётган ўқувчиларга пневматик милтиқдан ўқ отиш сирлари ўргатилиб, машғулотлар якунида ушбу спорт тури бўйича мусобақа ташкил қилинаётир.

Туман кенгашида чорак асрдан буён мураббийлик қилиб келаётган Баҳодир Турсоатов спорт турлари бўйича вилоятда кўзга кўринган ҳакамлардан саналади. Мотоспорт ва картинг машғулотларини олиб бораётган ёш мутахассис Шуҳрат Наврўзовдан ҳам барчанинг умиди катта.

Айни кунларда давом этаётган «Мудофаа ойлиги» тадбирлар режаси хилма-хил. 63-мактабда пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича туман биринчилиги ўтказилса, ўқув техника спорт клубида фахрийлар билан учрашув ташкил этилади.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Ҳаётимиз чароғи

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Зуҳра Маматқулова билан суҳбат

— Президентимиз томонидан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинишида рамзий маъно бор. Зеро, эзгу фазилатлар, аввало оилада шаклланади...

— Тўғри. Оила азалдан Шарқ халқлари учун муқаддас гўша саналади. Юртимизда амалга оширилаётган ишлар беқиёс. 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши шу ҳаракатларнинг узвий давомидир. Қолаверса, бу масалага кенг жамоатчиликнинг диққат-эътибори янада ортади. Оила ватан ичра кичик ватандур, дейишади. Бу даргоҳнинг файзи аёллар саналади. Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликнинг ҳар жиҳатдан муҳофазаланишига эришиш йўлида кўп ишлар қилинаяпти.

Меҳнат, оила, жиноят кодексларида, сайловлар тўғрисидаги, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа бир қатор қонунларда хотин-қизлар ҳуқуқлари алоҳида кафолатланади.

Вилоятимизда 908900 нафар аёл яшайди. Уларнинг 200 минг нафардан зиёди халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб келаяпти. Ўтган йилда 4732 нафар аёл малакаси оширилди. 7850 нафар аёл уй шароитидаги меҳнат билан банд этилди. Бир сўз билан айтганда иқтисодиётимиз ривожида аёлларнинг улуши тобора ошиб бораяпти.

— Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси касаба уюшмалари зиммасида. Келишув ва шартномаларда аёллар, фарзанд тарбиясидаги оналарга алоҳида имтиёзлар кўзда тутилган. Уларнинг амалдаги ижроси қандай кетмоқда?

— Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси билан имзоланган уч томонлама ҳудудий келишув ўзаро тенглик, ишонч, ижтимоий ҳамкорлик принципларига асосланади. Шунингдек, 48 та тармоқ, 11186 та жамоа шартномалари мавжуд. Шу меъёрий ҳужжатлар орқали 582901 нафар ходим, шу жумладан, 257200 нафар хотин-қизнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси кафолатланган.

(Давоми 2-бетда)

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Томорқа — хазина

Турсоат ака томорқасида 7 тоннадан кўпроқ ҳосил етиштириб, 20 млн. сўмдан ошиқ даромад олди. Бундан ташқари, қўрада бир неча бош қўй-эчки, 5 бош қорамоли бор. Қишлоқ оқсоқоли одамларни томорқадан унумли фойдаланишга даъват этиш билан бирга буни амалда ҳам кўрсатмоқда.

2-бет

Ёрдамчи хўжалик аъзолари жорий йилда 3 тонна қорамол ва 1,5 тоннага яқин парранда гўшти, 24 тонна сут, 400 минг дона тухум, 3 тонна карам, 9 тонна мева ва 10 тонна полиз маҳсулотлари тайёрлаб эл дастурхонига тортиқ қилдилар. 3200 дона жўжа аъзоларга тарқатилди. Қорамоллар 40 бошга, товуқлар 4 мингтага етказилди.

2-бет

Иш билганга минг танга

Асака — автомобил ишлаб чиқарилаётган ҳудуд сифатида маълум ва машҳур. Эндиликда бу ернинг тадбиркор ва ишбилармонлари ҳам ўзларининг маҳсулотлари билан ном қозонмоқда.

Асаканинг бозорбоп гиламлари

Файзабод маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Ўзбек-Турк шериклари» қўшма корхонасида тайёрланган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бу корхонада гилам маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, жамоада 92 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати оддий гилам маҳсулотлари бўйича 200 минг метр квадрат, бошқа гилам маҳсулотлари бўйича 500 минг метр квадратни ташкил этади.

— Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай шароитлар яратилган, — дейди бош ҳисобчи И. Якубов. — Шу боис, ишлаб чиқаришимиз тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда янги технологиялар келтириб ўрнатилди.

Даромадга қараб — буромад, деганларидек, корхона турли ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб келмоқда. Жумладан, кўзи ожизлар жамиятига бир миллион сўмлик гиламлар туҳфа этилган бўлса, 22-мактабгача таълим муассасасига маблағ билан ёрдам берилди.

Янги кун янгиликлари

45 та микроавтобус

Урганч шаҳрида транспорт хизматини янада яхшилаш, аҳолига қулай ва арзон транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилган 45 та «ISUZU» микроавтобус келтирилди.

Хоразм вилоят ҳокимлиги ва «Ўзавтодарётранс» агентлиги Хоразм вилоят бўлими ташаббуси ҳамда кўмагида амалга оширилган ушбу хайрли тадбирдан урганчликлар мамнун. Умумий миқдори 3 млрд. 104 млн. сўмлик лизинг асосида келтирилган ушбу микроавтобуслар йўловчилар учун катта қулайликлар яратишдан ташқари «Урганчйўловчиташиш» давлат унитар корхонаси фаолияти ривожланишига туртки бўлиши шубҳасиз. Микроавтобусларнинг келтирилиши муносабати билан корхонада янгидан 100 та иш ўрни яратилиб, катта тажрибага эга бўлган ҳайдовчилар ҳамда касб-ҳунар коллежи битирувчилари жалб этилди.

Яна бир қулайлик сифатида ушбу автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун ойлик чипталар йўлга қўйилишини таъкидлаш лозим. Бу эса автотранспорт хизматидан пластик карточкалар кўмагида фойдаланиш имконини беради. Тез кунларда Урганчга яна 55 та «ISUZU» келтирилиши режалаштирилган.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Шаҳарча қад кўтаряпти

Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ўртасида янги «Гавҳар» шаҳарчаси қад ростламоқда. Шаҳарчадаги турар-жой ва бошқа бинолар Корея услубида тикланаётган бўлиб, қурилаётган 102 та уйнинг барчасида иситиш тармоқлари пол остига ўрнатилган. Шунингдек, табиий газ, сув тармоқлари ҳам ўзига хос услубда бунёд этиляпти. Тажриба тариқасида барпо қилинаётган бу намунавий шаҳарча қурилиши «Кредит стандарт банк» томонидан молиялаштирилган бўлиб, уни «Буюк ипак йўли» қурилиш фирмаси қурувчилари бунёд этишмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Наманган шаҳрида ОАТБ «Капиталбанк»нинг филиали иш бошлади. Эътиборли жиҳати, вилоят аҳли мутлақо янги хизмат турларидан фойдаланмоқда. Хусусан, тўй-тантаналарни кафе, ресторанларда ўтказишда филиалнинг кредит маблағлари ёрдамга келиши мумкин.

Янги хизмат турлари

Шундай кредитлардан яна бири оилаларга йўналтирилган. Тилла буюмлар харид қилишга тўғри келиб қолса, филиал маблағи асқотиши мумкин.

Ҳар икки турдаги кредитларини расмийлаштириш учун банк филиали овқатланиш муассасалари, Ўзбекистондаги заргарлик корхоналари билан шартномалар имзолаган.

Филиал директори Элёр Нажмиддиновнинг таъкидлашича, хизматлардан узоқ қишлоқдаги аҳоли фойдаланиш ниятини билдиргудек бўлса, масофавий ҳисоб-китоб амалиёти ёрдамга келади. Эслатиб ўтамиз, мазкур филиал вилоятда ҳозирга қадар мавжуд очиқ акциядорлик тижорат республика банклари филиаллари қаторига 15-бўлиб қўшилди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Саховат

Байрам давом этаётир, совғалар бисёр...

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорликда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, янги йил муносабати билан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати нуронийларини байрам билан қутлаб, совғалар тақдим этишди.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch
2012-yil 7-yanvar № 4 (3041)

Ҳаётимиз чароғи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Келишув ва шартномаларга 30 дан ортиқ қўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилган. Ҳар бир ходимга сарфланаётган маблағ миқдори 60802 сўмни ташкил этади. Вилоятимиз корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган 1823 нафар серфарзанд оналарнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилган. 2056 нафар аёл қонунда белгиланган муддатдан илгари ҳомиладорлик таътилига чиқарилди. Икки ёшдан уч ёшгача фарзанд тарбияси билан машғул бўлган 884 нафар онага моддий кўмак кўрсатилди. 1349 нафар хотин-қиз корхоналар ҳисобидан бепул даволанди. Уч томонлама келишувга мувофиқ 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзандлари бор аёлларга 3 кун қўшимча таътил берилиб, 3 ёшгача фарзанд тарбиясидаги аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда иш куни 1 соатгача қисқартирилган. Ҳудуддаги қатор ташкилотларда ижтимоий шериклик асосида аёллар муҳофазаси муносиб таъминланаяпти. Жумладан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг вилоят филиалида 649 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 17 нафар аёлга 3390 минг сўм қўшимча маблағ сарфланди. «Самарқанд телеком» вилоят корхонасида эса 49 нафар ишловчи аёлларга телефон абонентлик ҳақи учун 362,2 минг сўм тўлаб берилган. Меҳнаткашларнинг 100 нафар фарзанди корхона ҳисобидан бепул дам олдирилган.

— Ижтимоий муҳофазанинг ишончли кафолати иш билан бандликдир. Бу йўналишда олиб борилаётган ишларга тўхталсангиз.

— Вилоят бўйича 66490 та янги иш ўрни яратилди. Иш жойларининг 44363 таси қишлоқ жойларда яшовчилар бандлигини таъминлашга қаратилган. Бу жойларнинг 25067 тасига хотин-қиз жойлаштирилди. 22170 та касаначилик иш ўринларининг асосини аёллар банд этди. Аёлнинг оилада, фарзандлар ёнида ишлаши, оила бюджетига фойда келтириши чоралари кўрилаяпти.

— Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий оламини бойитишга доир тадбирлар доираси кенгайдими?

— Вилоят солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда соҳада хизмат қилаётган аёллар иштирокида «Руҳим танамни бошқаради», «Меҳнатим — ибратим», «Хизматим билан Ватан ҳимоячисиман» мавзуида кўрик-танловлар ўтказдик. «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» танлови ташкил этилди. 20 дан ортиқ маҳалладан 200 нафарга яқин чеварлар иштирок этган танлов орамизда кўплаб моҳир қўлларни кашф этди. Айни чоғда «Мустаҳкам оила йили» доирасида муҳим тадбирлар режасини тузаяпмиз.

«Ishonch» мухбири Нурилла ШАМСИЕВ суҳбатлашди

Давра суҳбати

■ **Р.ИНАТУЛЛАЕВА,**
коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси

Чортоқ тиббиёт коллежида «Ёшлар ва давр» деб номланган давра суҳбати ўтказилди. Унда мамлакатимизда одам савдосига қарши кураш, ундан жабр кўрганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ёшлар ва давр

— Маълумки, мамлакатимизда 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, — деди туман «Камолот» ЁИҲ етакчи мутахассиси Р.Отақўзиев. — Ва у 8 июлда «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан янада мустаҳкамланди.

— Миссионерлик — бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш, прозелитизм — тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир. Зеро, бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ушбу таъсирлардан ёшларимиз огоҳ бўлиши ва миссионерлик оқимлари таъсирига тушмасликлари лозим, — дейди Абу Бакр Сиддиқ жомеъ масжиди имом хатиби А.Фозилов.

— Бугунги кунда ер юзида 500 га яқин террорчи ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом дини ниқоби остида фаолият юритади, — деди туман ИИБ Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш катта тезкор вакили капитан Ф.Расулов. — Биз ёшларнинг ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Тадбир қатнашчилари бундай давра суҳбатларини тез-тез ўтказишга келишиб олдилар.

Сўраган экансиз

Пластик карточка: унинг имкониятлари ва сизнинг ҳуқуқингиз

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг пул муомаласи департаменти директори Мурод БЕКЧОНОВ жавоб беради:

Пластик карточкалар тизимини ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тўғрисида маълумот берсангиз. Ушбу қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва бунда дуч келинаётган қийинчиликлар ҳақида алоҳида тўхталсангиз.

Пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида республикамизда етарли ҳуқуқий база яратилган. Хусусан:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 1994 йил 16 майдаги «VISA» дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

2011 йилнинг 28 ноябр ҳолатига муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 8,1 млн. донадан ошиб, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш объектларига 97 минг 300 дан ортиқ тўлов терминаллари ўрнатилиши таъминланди.

Бундан ташқари, жойларда 314 та банкомат ва тўловларни узлуксиз қабул қилиш имкониятини берувчи 533 та инфокиоскалар ўрнатилди.

Республикамиз ҳудудидаги барча савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларида хизмат кўрсатувчи банкидан қатъи назар тўлов терминаллари орқали тўловларни қабул қилишда бир хил тарифларга риоя қилиниши таъминланиб, ягона тартибда банк операцияларини ўтказишга имкон берувчи Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилган.

Оммавий ахборот воситалари орқали пластик карточкалардан фойдаланишнинг афзалликлари ва яратилган имтиёзлар тўғрисида мунтазам равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, ҳудудларда аҳоли ва тадбиркорлар билан мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, айрим савдо ва пулли хизмат кўрсатиш субъектлари томонидан пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилишда маҳсулот ва хизматлар нархини ошириш, терминалларни атайлаб ишлатмасдан, пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилишни рад қилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида, ҳудудий бошқарув органлари, солиқ идоралари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, алоқа тизими ва электр энергия таъминотида юзага келаётган узилишлар ҳам тўлов терминаллари орқали ҳисоб-китобларни узлуксиз амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қанча ва неча турдаги пластик карточкалар амал қилмоқда, уларнинг фарқи нимада?

Юқорида эътироф этилганидек, мамлакатимизда 8,1 млн. донадан ортиқ пластик карточкалар амал қилмоқда.

Ушбу пластик карточкалар карта ҳисобварағининг эгасига қараб шахсий ва корпоратив турларга бўлинади. Яъни:

а) шахсий банк картаси — ўз эгасига жисмоний (якка тартибдаги тадбиркордан ташқари) шахснинг карта ҳисобварағида (карта ҳисобварақларида)ги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради.

б) корпоратив банк картаси — ўз эгасига, яъни юридик шахснинг ваколатига эга ходим ёки якка тартибдаги тадбиркорга, карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради. Корпоратив банк картаси фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиб, ойлик иш ҳақи ва бошқа ижтимоий характердаги тўловлар ҳамда нақд пул маблағларини тўлаш учун ишлатилишга йўл қўйилмайди.

Мамлакатимизда қанча терминал ва банкоматлар ишлаяпти? Улар орқали қанча пул айланмоқда, банкомат орқали қанча пул нақдлаштирилган?

Савдо ва пулли хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган 97 минг 300 дан ортиқ тўлов терминаллари орқали 2011 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 7,4 трлн. сўмлик транзакциялар амалга оширилиб, ушбу кўрсаткич 2010 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 2 баробарга ошган.

Бундан ташқари, йирик корхона ва ташкилотларда ўрнатилган 314 та банкоматлар ҳамда банк муассасаларидаги 5 мингдан зиёд терминаллар орқали 900 млрд. сўм миқдорида нақд пуллар берилган.

Қандай савдо шохобчаларида терминал ўрнатилган бўлиши шарт?

Чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектлари ва аҳолидан нақд пул қабул қилиш пунктлари (қонунчиликка мувофиқ аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини қўлламаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган объектлардан ташқари), яъни турғун савдо шохобчалари, дорихоналар, умумий овқатланиш корхоналари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳамда барча турдаги пулли хизматларни кўрсатувчилар (уй-жой коммунал хизматлари, автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари, алоқа бўлимлари, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда маданий-оммавий ва томоша тадбирлари ўтказиладиган объектлар, авиа ва темир йўллар чипталарини сотиш кассалари, автовокзал ва автостанциялар кассалари, меҳмонхоналар, суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари) ва аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектларида тўлов терминаллари ўрнатилиши шарт.

Марказий банкнинг «Ишонч телефони» фаолияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 апрелдаги қарори талабларига асосан ҳар бир минтақада савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш масалалари бўйича мижозларнинг мурожаатларини зудлик билан кўриб чиқиш учун «Ишонч телефонлари» ташкил этилган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига асосан Марказий банк, тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган «Ишонч телефон»лари орқали банкларда пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда юзага келаётган муаммолар бўйича келиб тушган масалалар ҳам зудлик билан ўрганиб чиқилиб, фуқароларнинг қонуний талаблари қондирилмоқда.

■ **Рустам ДАВЛАТОВ,**
«Ishonch» мухбири

Турсоат Темировнинг касби агроном. У ўзи туғилиб ўсган Сариосиё туманидаги «Сангардак» хўжалигида ўттиз йил ҳосилот бўлиб ишлаган. Унинг тавсияси билан хўжаликда ҳар йили мевазорлар кенгайтирилар, кам ҳосил бўлиб қолган дарахтлар ўрнига янгилари ўтқазиларди. Шу сабаб «Сангардак» боғлари серҳосиллиги билан машҳур эди.

15 сотих ердан 20 млн. сўм даромад

Ҳозирда бу боғлар 32 та фермер хўжалиги қўлига ўтган. «Сангардак» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Турсоат ака вақт топди дегунча хўжаликларда бўлиб, фермерлардан дарахт парваришлаш борасида маслаҳатларини аямайди.

«Сангардак»да яшаётган 410 та хонадоннинг томорқаси ҳам анча катта. Уларда олма ва бошқа мевали дарахтлар ўстирилади. Кўп оилалар ҳар мавсумда тонналаб ҳосил олишади. Оқсоқол Турсоат Темиров бу борада ҳам кўпларга ўрнак. Унинг 15 сотих томорқаси бўлиб, бу жойда 70 туп олма дарахт экилган.

Агроном эмасми, дарахтларни қачон ўғитлаш, қайси пайт суғориш, зараркунандаларга қарши қандай курашиш кераклигини яхши билади. Ҳар куни ишдан қайтгач, кетмонни олиб дарахтзор оралайди. Бу ерда турли олма навлари парваришланади. Ҳосилнинг бир қисми май-июн ойларида пишиб етилса, қолгани сентябр-октябрда узилади. Оқсоқол олмаларни узоқ сақлаш сирини ҳам пухта ўзлаштирган.

Ўтган йили Турсоат ака томорқасида 7 тоннадан кўпроқ ҳосил етиштириб, 20 млн. сўмдан ошиқ даромад олди. Бундан ташқари, қўрада бир неча бош қўйэчки, 5 бош қорамоли бор. Қишлоқ оқсоқоли одамларни томорқадан унумли фойдаланишга даъват этиш билан бирга буни амалда ҳам кўрсатмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ ■

Ёрдамчи хўжалик имкониятлари

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон филиали меҳнат жамоаси ўз ходимлари рўзғорини тўкин қилиш мақсадида ибратли ишларни амалга оширяпти.

— 940 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилаётган корхонамизда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби сердаромад тармоқларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти, — дейди филиал директори Баҳодир Машарипов. — Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўзлаб ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларимизда 61 миллион 95 минг сўмга сотиб олинган чорва моллари парваришланмоқда.

Яхши ният йўлида ташкил этилган «Почта чорва ва парранда» масъулияти чекланган жамиятини чорва моллари ва парранда билан таъминлашда Элликқалъа туманидаги «Ўрнак насл чорва», «Мирзабекова Улбике», «Максетбоев Айдос», «Алланбергенова Дилбар», «Исрекзор Кўл», «Собир Каккоз», «Сабур Рашид Музаффар» каби фермер ва деҳқон хўжаликлари яқиндан қўллаб-қувватладилар.

Бундан ташқари, Нукус туманидаги Баханшакли овул фуқаролар йиғини ҳудудида 5 гектар майдонда боғ барпо этилиб, 2 минг тупга яқин ўрик, олма, шафтоли, нок, гилос, олхўри, беҳи кўчатлари ўстирилмоқда. Тажрибали боғбон А.Саатдинов ниҳолларнинг баравж ўсиши учун астойдил жон куйдирмоқда.

Ёрдамчи хўжалик аъзолари жорий йилда 3 тонна қорамол ва 1,5 тоннага яқин парранда гўшти, 24 тонна сут, 400 минг дона тухум, 3 тонна карам, 9 тонна мева ва 10 тонна полиз маҳсулотлари тайёрлаб эл дастурхонига тортиқ қилдилар. 3200 дона жўжа ходимларга тарқатилди. Қорамоллар 40 бошга, товуқлар 4 мингтага етказилди.

Балиқчилик етти хазинанинг бири ҳисобланади. Амударё туманининг «Хоразм» машина трактор парки ҳудудидан 0,8 гектарлик табиий кўл ижарага олиниб, балиқ боқилмоқда. Демак, келгусида алоқачилар дастурхонида парҳезбоп гўшт бисёр бўлади.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда



Фарғона шаҳридаги «Евроосиё Тапо-Диск» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобил дисклари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга. 2011 йилда корхона томонидан 6,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижий давлатларга экспорт қилингани ҳам бунинг яққол далилидир.

Дастлаб тўрт турдаги эҳтиёт қисм ишлаб чиқара бошлаган мазкур корхона бугунги кунда замонавий технологиялар асосида 60 турдаги сифатли, чидамли ва рақобатбардош маҳсулот — автомобил дисклари ишлаб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам ўтган йили «Евроосиё Тапо-Диск» маҳсулотларининг асосий қисми Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилинди.

2011 йилда корхонада катта ҳажмдаги модернизация ишлари амалга оширилди: қолиплаш цехи ишга туширилди. Натижада янги дисклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни кунда буюртма асосида исталган ўлчамдаги диск қолиплари тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Ўтган йили корхона жамоаси истеъмолчиларга бир миллион икки юз минг донадан ортиқ автомобил дисклари етказиб берди. Айни кунда улар «GM Uzbekistan» заводи ҳамда бир қатор хорижий давлатлар корхоналари буюртмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Айни кунда «Евроосиё Тапо-Диск» қўшма корхонасида ишловчилар сони беш юз нафардан ортиқ. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Суратда: *корхонанинг қолиплаш цехи илғор ишчиси Самин Каттабеков.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Байрам давом этаётир, совғалар бисёр...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари томонидан корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун Тошкент давлат циркидаги янги йил байрам томошаларига 4800 дона, Аброр Ҳидоятов номидаги драма, Тошкент оперетта, Ёш томошабинлар театрларига 3274 та чипта бепул берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари Республика миқёсидаги шифохоналарда турли вилоятлардан келиб даволанаётган бемор болаларнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида Қорбобо ва Қорқиз билан Республика болалар ортопедия марказига йўл олишди.

— Қорқиз иккаламиз 2012 йилни яхши ният ва савобли ишлар билан бошладик, — дейди Республика ёш томошабинлар театри актёри, Қорбобо — Искандар Элмуродов. — Мен ҳаракатчан, ёш ва ҳазил-ҳузулга уста Қорбобоман. Болажонлар билан тез чиқишиб кетаман.

Совға олиб қувонаётган мунчоққўз болажонларни кузатиш жуда мароқли. Юролмай хонада ўтирган болалар ёнига Қорбобо ва Қорқиз кириб борганида, уларнинг кўзида севинч порлаганига гувоҳ бўлдик.

— Неварам фароғат жуда хурсанд бўлди, — дейди Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидан келган Мингсултон Хўжаназарова. — 3 ёшдан бери шу шифохонага қатнаймиз. Ҳозир у 14 ёшда. Насиб бўлса, бугунги хурсандчиликдан сўнг у, албатта тузалиб кетади.

Шунингдек, Қорбобо ва Қорқиз Республика болалар руҳий касалликлари шифохонаси, Болалар ортопедия маркази, Болалар суяк сили, Тошкент шаҳар онкология диспансери, Тошкент шаҳар болалар сил касаллиги шифохонаси, Республика қон қуйиш институти, Онкология илмий марказида даволанаётган 800 нафардан зиёд бемор болалар ҳузурида бўлиб, уларни совғалари билан хурсанд қилишди.

Муаллиф олган суратлар

Тадбир

■ **Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
«Ishonch» мухбири

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Федерация кенгашининг ўтган йил 28 январдаги II мажлиси қарорида белгиланган устувор вазифалар бўйича тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгашининг 2011 йилда амалга оширган ишлари муҳокама қилинди.

Сарҳисоб

Кенгаш раиси Низомиддин Шониязов олиб борилган ишлар ҳақида маъруза қилди. «Навоийазот» ОАЖ касаба қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов, Навоий ҳудудий электр тармоқлари касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Турсунов, «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Ярашев ва бошқалар сўзга чиқиб, муаммолар ва уларнинг ечими хусусида фикр билдиришди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи касаба уюшма қўмитаси

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган корхонамиз ишчи-мутахассисларини, ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган жамоалар ходимларини, барча юртдошларимизни Янги йил ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги билан самимий қутлайди.

«Мустаҳкам оила йили»да халқимизга мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, бахту саодат, ишларида ҳамиша омад ёр бўлишини тилаб қолади.

2012 йил ҳар бир хонадонга хушкайфият, файзу барака олиб кирсин!

«Ситораи Моҳи Хосса санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни 2012 йил ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

«Мустаҳкам оила йили»да мамлакатимиз аҳолисига сиҳат-саломатлик, тинч ва фаровон ҳаёт, хушкайфият, ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.



«Ситораи Моҳи Хосса санаторийси» иқлимий ва бальнеологик курорт зона ҳисобланиб, Зарафшон дарёси воҳасида, денгиз сатҳидан 500 метр баландликда, Бухоро шаҳрининг шарқий чеккасида, сўлим бир масканда жойлашган.

Даволаш омиллари: иқлими ва сульфат-хлорид натрийли, кам минераллашган маъданли суви ҳисобланади ва улар буйрак, асаб тизими, ҳаракат-таянч ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини даволашда қўлланилади.

Санаторийда замонавий ташхис ва даволаш хоналари, маъданли сув билан даволаш, физиотерапия, лазертерапия, балчиқ билан даволаш, жисмоний бадантарбия, уқалаш, чўмилиш ҳавзаси, сауна, фитобар ва парҳез овқатлантириш соғлиғингизни тиклаш мақсадларида қўлланилади.

Ётоқ биноси бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат.

Ошхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият саройи, спорт майдончалари, кутубхона сизнинг хизматингизда. Музей мавжуд. Бухоро шаҳрининг тарихий обидаларига саёҳатлар ташкил қилинади.

Бизнинг манзилимиз: Бухоро шаҳри, «Ситораи Моҳи Хосса санаторийси» МЧЖ
Телефонлар: (8-365) 228-50-66, 228-50-26

Хизматлар лицензияланган

«Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси



Соҳа ходимлари ва ҳамкорликда меҳнат қилаётган жамоалар ишчи-ходимларини, мамлакатимизнинг барча аҳолисини 2012 йил ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги билан самимий қутлайди. Халқимизга тинчлик-тотувлик, бахту саодат, сиҳат-саломатлик, дастурхонларига файз-барака, бунёдкорликнинг барча жабҳаларида омадлар ёр бўлишини тилайди. Кўнгилларга жо бўлган барча орзу-ниятлар рўёбга чиқиб, келажагимиз янада фаровон бўлсин!

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган аграр соҳа ходимларини, юртимизнинг барча аҳолисини 2012 йил ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги билан табриклайди. Фидойилик кўрсатаётган халқимизга оилавий тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, мустаҳкам соғлик, бахтли ҳаёт, қалбларидаги энг мусаффо туйғулар рўёбга чиқишини тилайди.

Ishonch

2012-yil 7-yanvar № 4 (3041)

ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

■ С.АКБАРОВ

Мухтор Ашрафийни ёд этиб

Юрт равнақига улкан ҳисса қўшган инсонларни хотирлаш ёшлар маънавий тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда уй музейлар бирлашган касаба уюшмаси томонидан Мухтор Ашрафий уй музейида атоқли композитор хотирасига бағишлаб ташкил этилган маънавий-маърифий кеча иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Улар Ўзбекистонда профессионал мусиқага асос солган санъаткор, кўплаб давлат ҳамда халқаро мукофотлар лауреати, дирижёр ва композитор Мухтор Ашрафий (1912-1975) ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Кечани лойиҳа муаллифи, уй музейлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Наталя Гунова очиб, М.Ашрафий ижодига доир қизиқарли маълумотлар ҳамда уй музейининг ташкил этилиши тарихи ҳақида гапирди. Шунингдек, атоқли композитор ўз даврида кўплаб куй ва қўшиқлар яратиш орқали ёш авлодга бой маданий мерос қолдирганини алоҳида эътироф этди.

Тадбирнинг мусиқали қисми Ўзбекистон давлат консерваторияси 3-

Маънавият соатларида

босқич талабаси Гулноза Меликулова томонидан дутарда ижро этилган халқ куйлари билан бошланди. Сўнгра, миллий симфоник оркестр солисти Эрик Хисамиев ва фортепианода консерватория доценти Заҳро Муҳамеджанова жўрлигида «Флейта ва фортепиано учун пьеса» композицияси маромига етказиб ижро этилди.

Кеча шу тарзда бир-биридан ажойиб, ёш композитор ва хонандаларнинг қўшиқлари билан давом этди. Мухлислар бу ижролар жилосидан завқ олиш баробарида юртимизда М.Ашрафий ижодининг давомчилари сифатида иқтидорли ёш композиторлар етишиб чиқаётганидан хурсанд бўлишди.

Тадбирда Тошкент шаҳар маданият муассасалари ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси фаоллари сўзга чиқишиб, М.Ашрафий ва у билан бирга ижод қилган таниқли инсонларни ҳам ёдга олдилар. Шунингдек, таниқли композиторлар, санъат арбоблари, М.Ашрафийнинг яқинлари ва шогирдлари ҳам композитор ҳақидаги илиқ хотиралари билан ўртоқлашишди.

■ Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Чирчиқ шаҳридаги Чайковский номидаги 15-сон болалар мусиқа ва санъат мактаби 1978 йилда ташкил этилган бўлиб, таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан мазкур мактабда ўтган йилнинг март ойида бошланган катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари октябр ойигача давом этди. Замонавий қиёфа касб этган таълим маскани шаҳардаги энг кўркам бинолар сирасига кирди.

Қарор ва ижро

Ёш иқтидорларга ғамхўрлик

— Амалга оширилаётган ишлар ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди мактаб директори Нилуфар Исроилова. — Ҳавас қилса арзигулик концерт залига эгамиз, шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича якка тартибда машғулот ўтиш учун хоналар, ўқув қуроллари ва мусиқа асбоблари етарли. Бу имкониятлар ўқувчиларимиз орасидан кўплаб истеъдод эгалари етишиб чиқишига хизмат қилади, албатта.

Дарвоқе, қурилиш-реконструкция ишлари Янгийўл туманидаги «Меҳнаткаш» хусусий фирмаси томонидан амалга оширилди. Ушбу мақсадга 845 млн. сўм маблағ ажратилди. Хоналар замон талабларига мос равишда кенгайтирилди. Яқинда 16 та пианино, 2 та роял ва мебеллар тўплами олиниб, ҳар бир синфхона тўлиқ жиҳозланди.

— Ҳозирда бу ерда 350 нафар ўқувчи 9 йўналиш — фортепиано, скрипка, ўзбек халқ чолғулари, хореография, тасвирий санъат, эстрада хонандалиги, гитара, пуфлама чолғулар (дамли чолғулар), рус халқ чолғулари бўйича таҳсил олишмоқда, — дейди суҳбатдошимиз жараён ҳақида тушунча бериб. — Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида амалий санъат бўлимини ҳам ишга туширишни режалаштирганмиз. Яъни ёшларимиз дастгоҳлар, тайёр ганж, ёғоч ўймакорлиги, дизайн ва компютер графикаси йўналишлари бўйича малака ҳосил қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Қўлга киритилаётган ютуқлар мақтанса арзигулик. Хусусан, ўтган йил май ойида Қарши шаҳрида ташкил этилган М. Қориёқубов номидаги ёш ижрочилар кўрик-танловида беш нафар иқтидорли ўқувчи муваффақиятли иштирок этиб, 3 та биринчи, 1 та иккинчи ва 1 та учинчи ўринга сазовор бўлишди. Мактабни аъло баҳоларга тугатган битирувчилар пойтахтдаги Успинский номидаги иқтидорли болалар академик лицейи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли ўқувчилар академик лицейларида таҳсилни давом эттиришмоқда.

Мактабда «Истеъдод» номли ўзбек халқ чолғулари оркестри (2008 й.) шакллантирилган бўлиб, ижодий жамоа Аҳрор Норметов бошчилигида вилоят ва шаҳар миқёсидаги турли байрам, кўрик-танловларда муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келяпти.

— Билим юртимизда 40 нафар ўқитувчи ёшларнинг камолоти йўлида самарали меҳнат қилишяпти. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва намунали меҳнат шароити яратиб бериш асосий вазифамиздан биридир, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Зуҳра Хўжаназарова. — Оркестр жамоалари, ансамбллар, бастакорлар билан учрашувлар ҳамда ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари уюштириш ҳам анъанага айланган бўлиб, бундан ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам хурсанд.

Бир сўз билан айтганда, санъат масканида ватанимиз довруғини дунёга тараннум этишга қодир баркамол авлод камол топмоқда.

«Navoiy mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Навоий вилоят Божхона бошқармасининг 27.12.2011 йилдаги 02-8/12-08653-сонли хатига асосан, Навоий шаҳар «Тинчлик» божхона постида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1.«DAEWOO LEGANZA» русумли, давлат белгисиз бўлган, 1997 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 475 000 сўм.

2.«DAEWOO LEGANZA» русумли, давлат белгисиз бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 937 500 сўм.

3.«DAEWOO LEGANZA» русумли, давлат белгисиз бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 012 500 сўм.

4.«DAEWOO LEGANZA» русумли, давлат белгисиз бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 290 000 сўм.

5.«DAEWOO PRINCE» русумли давлат белгисиз бўлган, 1996 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 162 500 сўм.

6.«DAEWOO MAGNUS» русумли, давлат белгисиз бўлган, 2000 йил ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 312 500 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 9 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспортлар 2012 йил 10 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17 ва 24 феврал кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2012 йил 17 февралдаги такрорий савдо учун 2012 йил 16 феврал куни соат 18:00; 24 февралдаги савдо учун 23 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» ҳисоб рақамига, автотранспорт воситасининг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат суммаси тўлаганлиги тўғрисидаги тўлови ҳужжати нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этади. **«Савдо ташкилотчиси» «Navoiy mulk markazi» MCHJ ҳисоб рақами 20208000704943164001, МФО 00205, ИНН 302132768 АТ «Ипотека банк» Навоий филиали. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй.**

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31.

Гувоҳнома № 1605

«FARGONA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, ОАТБ «Агробанк» Ёзёвон филиалининг 2011 йил 30 декабрдаги 00541/251-сонли алоқа хатига асосан, филиал балансидаги, Ёзёвон тумани, Андижон кўчаси, 11-уйда сақланаётган, «Дамас» русумли, д/р 40 246 НАА бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 207 000 сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Телекоммуникация Траспорт Тармоғи» филиали иккинчи боғламасининг 2012 йил 3 январдаги 33/2/07-1- сонли алоқа хатига асосан, филиал балансидаги, Кўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 58-уйда сақланаётган «М-2141» русумли, д/р 40 019 МАА бўлган, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 802 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 7 феврал куни соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 7 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 14 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 14 февралдаги такрорий савдо учун 2012 йил 13 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FMM» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО 00497, СТИР 302134194.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-70. www.rmm.uz.

«Surxondaryo mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади !

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Уздонмаҳсулот» АК нинг 2011 йил 31 майдаги 1/2-11-сонли қарорига асосан «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» ОАЖга тегишли, Термиз шаҳри Зерновая кўчаси 1-уй «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» ҳовлисида сақланаётган, «Эсперо» русумли, д/р 19 АВ 007 бўлган, 1994 й и/ч таъмир талаб автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 985 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 10 феврал куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 8 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 10 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 17 ва 24 феврал кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 17 февралдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 15 феврал куни соат 18:00; 24 февралдаги савдолар учун 22 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиали банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000904941294001, МФО 01063, ИНН: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.

Телефон: (8-376) 227-57-94, 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2011 йил 4 ноябрдаги 72-сонли фармойишига асосан, сайлов комиссияси балансидаги, Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони кўчаси, 6-уй манзилида сақланаётган «Нексия» русумли, давлат рақами 10 AF 770 бўлган, 2007 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 131 120 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 9 феврал куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 6 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 9 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 16 ва 23 феврал кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 16 февралдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 14 феврал куни соат 18:00; 23 февралдаги савдолар учун 21 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Тошкент шаҳар филиалида 2011 йил 29 декабрда бўлиб ўтган аукцион савдо натижалари

№	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Бошланғич баҳоси (сўмда)	Сотилиш баҳоси (сўмда)
1	1-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	13 800 000
2	2-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	13 800 000
3	3-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	14 400 000
4	4-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	6 359 700	7 364 000
5	5-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	13 800 000
6	6-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	14 400 000
7	7-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	13 800 000
8	8-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	5 916 000	7 200 000
9	9-сонли ер майдони	Яккасарой тумани, Ю.Ражабий кўчаси	11 832 000	13 110 000
10	1-сонли ер майдони	Ҳамза тумани, Яхё Ғуломов кўчаси	9 606 600	11 200 000
11	2-сонли ер майдони	Ҳамза тумани, Яхё Ғуломов кўчаси	9 606 600	11 200 000

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Жиззах вилоят мувофиқлаштириш бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бошқарма иқтисодчиси **Эркин ШОДМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Банк коллежи жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси «Умумтаълим фанлар» кафедраси ўқитувчиси Муҳайё Азизовага фарзанди **Мунирахон АЗИЗОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.00

Buyurtma Г — 111

22454 nusxada bosildi

1 2 3 4 5